



SUOMI
FINLAND



“Оилавий (маиший) зўравонлик” маъмурий ҳуқуқбузарликларни судларда кўриш амалиёти



Тошкент 2024 йил

ТАДҚИҚОТ ГУРУҲИ АЪЗОЛАРИ:

Тулқин Турсунов,

“Мадад” муассаса шаклидаги нодавлат нотижорат ташкилоти
ижрочи директори

Салаев Азамат,

“Ўзбекистонда қонун устуворлигини мустаҳкамлаш ва инсон
ҳуқуқларини ҳимоя қилиш” лойиҳасининг раҳбари

Эзозхонов Аброр,

“Мадад” муассаса шаклидаги нодавлат нотижорат ташкилоти
бўлим бошлиғи

Сардорбек Исмаилов,

Адвокат, «Capital Legal Services» адвокатлик бюросининг раҳбари

Мазкур тадқиқот Финляндия Ташқи ишлар вазирлиги молиявий кўмагида амалга оширилаётган БМТ Тараққиёт Дастурининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг “Ўзбекистонда қонун устуворлигини мустаҳкамлаш ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш” лойиҳаси доирасида муассаса шаклидаги “МАДАД” нодавлат нотижорат ташкилоти билан ҳамкорликда амалга оширилди. Тадқиқотнинг мақсадларидан бири Ўзбекистондаги нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг суд амалиётини таҳлил қилиш соҳасидаги билим ва кўникмаларини янада ошириш ҳисобланади.

Ушбу нашрда келтирилган фикр ва ҳулосалар муаллифларнинг ўз нуқтаи назари бўлиб, БМТ, шунингдек БМТ Тараққиёт Дастури ва БМТга аъзо давлатларнинг расмий нуқтаи назари ҳисобланмайди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт Дастури (БМТТД) камбағаллик, тенгсизлик ва иқлим ўзгариши сабабли пайдо бўлган адолатсизликка қарши курашда БМТнинг етакчи ташкилотидир.

170та мамлакатдаги кенг экспертлар ва ҳамкорлар тармоғи билан фаолият олиб бориб, биз одамлар ва сайёра учун мувофиқлаштирилган, узоқ муддатли ечимларни яратишга ёрдам берамиз.


Биз ҳақимизда кўпроқ маълумотни undp.org/uzbekistan сайтидан олинг ёки @UNDPUzbekistan ни ижтимоий тармоқларда кузатиб боринг.

@BMTTD, 2024 (www.undp.org/uzbekistan)

МУНДАРИЖА

КИРИШ	4
ТАДҚИҚОТНИНГ АСОСИЙ РАҚАМЛАРИ	7
Маъмурий ҳуқуқбузарлик ишларининг натижалари	7
Судьяларнинг жинси кесимида	8
Ҳуқуқбузарларнинг ёши	9
Ҳуқуқбузарларнинг маълумоти	10
Ҳуқуқбузарларнинг олдинги жавобгарликлари	11
Енгиллаштирувчи ҳолатлар	11
Мурса йўлини танлаган ҳуқуқбузар ва жабрланувчилар	12
Экспертиза хулосаси	13
Етказилган моддий ва маънавий зарарни фуқаролик суди тартибида ундириш ҳуқуқи тушунтирилган	14
Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг нормаларига ҳавола	14
ҲУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР	15

КИРИШ



1-диаграмма. Оилавий зўравонлик маъмурий ҳуқуқбузарлик ишларининг умумий сони

Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 2023 йил 11 апрелдаги 829-сон Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига (кейинги ўринларда МЖТК деб аталади) оилавий (маиший) зўравонлик ҳуқуқбузарликларга оид янги модда (59-2) киритилди.

Ҳозирги кунгача жиноят ишлари бўйича судлар томонидан жами 30 833 та оилавий (маиший) зўравонлик маъмурий ҳуқуқбузарлигига оид ишлар кўриб чиқилган ва 21 187 та маъмурий иш бўйича маъмурий жазо қўлланилган бўлса, 9 646 та ишлар бўйича иш юритиш тугатилган.

Мазкур тадқиқот доирасида шундай туркумга кирувчи ишлар бўйича 2023 ва 2024 йилларда чиқарилган қарорлар ичидан тасодифий танланган 1 111 та қарорлар таҳлил қилинди.

Таҳлил қилинган қарорлар ичида 976 таси (87,8%) “жуда содда” (яъни бир ҳуқуқбузар томонидан бир жабрланувчига нисбатан битта ҳуқуқбузарлик содир қилинган ишлар), 115 таси (10,3%) “содда” (яъни бир ҳуқуқбузар ва бир жабрланувчи бир-бирларига нисбатан ҳуқуқбузарлик содир қилинган ишлар) ишларни ташкил қилади.

1-жадвал. Таҳлил қилинган оилавий зўравонлик ҳуқуқбузарликларининг сони (вилоятлар кесимида)

Вилоят	ЖАМИ	«Жуда содда» ишлар	«Содда» ишлар	“Мураккаб” ишлар	“Жуда мураккаб” ишлар
Андижон вилояти	93	68	17	4	4
Бухоро вилояти	76	73	3		
Жиззах вилояти	83	71	10	2	
Қашқадарё вилояти	156	138	15		3

Вилоят	ЖАМИ	«Жуда содда» ишлар	«Содда» ишлар	“Мураккаб” ишлар	“Жуда мураккаб” ишлар
Қорақалпоғистон Республикаси	43	39	4		
Навоий вилояти	78	65	12	1	
Наманган вилояти	84	73	10		1
Самарканд вилояти	67	61	5		1
Сирдарё вилояти	75	68	6	1	
Сурхондарё вилояти	67	51	15	1	
Тошкент вилояти	80	75	5		
Тошкент шаҳар	63	60	2		1
Фарғона вилояти	72	68	4		
Хоразм вилояти	74	66	7	1	
ЖАМИ	1 111	976	115	10	10

Мазкур тадқиқотимиз доирасида таҳлил қилинган ишлар қуйидагича таснифлаган:

- «Жуда содда» ишлар - Бир ҳуқуқбузар бир жабрланувчига нисбатан 1 та ҳуқуқбузарлик содир этган ишлар;
- «Содда» ишлар - Ҳуқуқбузар ва жабрланувчи бир-бирга 1 тадан ҳуқуқбузарлик содир этган ишлар;
- “Мураккаб” ишлар – 1 тадан кўп ҳуқуқбузар бир жабрланувчига нисбатан 1 та дона ҳуқуқбузарлик содир этганлар, жабрланувчи эса ҳуқуқбузарларга нисбатан ҳуқуқбузарлик содир этмаган ишлар;
- “Жуда мураккаб” ишлар – 1 тадан кўп ҳуқуқбузар бир жабрланувчига нисбатан бир ёки ундан кўп ҳуқуқбузарлик содир этганлар, жабрланувчи ҳам ҳуқуқбузарларга нисбатан ҳуқуқбузарлик содир этган ишлар.



“Мураккаб” ишлар (10 та ёки 0,9%) икки ҳуқуқбузар бир жабрланувчига нисбатан содир қилган маъмурий ишларни ўз ичига олади. “Жуда мураккаб” ишлар (10 та ёки 0,9%) эса икки ҳуқуқбузар бир жабрланувчига нисбатан ва жабрланувчи ҳам ҳуқуқбузарларга нисбатан ҳуқуқбузарлик содир қилган ишларни ўз ичига олади.

Таҳлил қилинаётган модда бўйича маъмурий ҳуқуқбузарликлар сони кўплиги ва турларига караб мураккаблашиши боис мазкур тадқиқот доирасида ишлар юқоридаги тоифаларга тақсимланган. Шунингдек, “жуда содда” ва “содда” ишлар дастлабки таҳлилнинг асосий қисмини ташкил қилгани учун ушбу ишларга асосий урғу берилди.

2-диаграмма. Тадқиқот доирасида таҳлил қилинган қарорлар (вилоятлар кесимида)


Оилавий (маиший) зўравонликни ҳуқуқбузарлик сифатида МЖТКга киритиш жараёнида ташаббускорлар томонидан таъқидланганидек, хотин-қизлар мазкур ҳуқуқбузарликнинг асосий жабрланувчилари ҳисобланади. “Жуда содда” ҳуқуқбузарликлар бўйича чиқарилган 976 та суд қарорларидан 971 тасида (99,4%), “содда” ҳуқуқбузарликлар бўйича чиқарилган 115 та суд қарорларидан 100 тасида (86,9%) ҳуқуқбузарларнинг жинси эркак деб кўрсатилган.

2-жадвал. Ҳуқуқбузарликларнинг жинси


Вилоят	ЖАМИ	«Жуда содда» ишлар			«Содда» ишлар				
		ЖАМИ	Шундан, ҳуқуқбузар жинси		ЖАМИ	Шундан, ҳуқуқбузар жинси		Шундан, жабрланувчи жинси	
			Аёл	Эркак		Аёл	Эркак	Аёл	Эркак
Андижон вилояти	93	68	0	68	17	1	16	15	2
Бухоро вилояти	76	73	0	73	3	1	2	3	0
Жиззах вилояти	83	71	0	71	10	0	10	10	0
Қашқадарё вилояти	156	138	2	136	15	1	14	14	1
Қорақалпоғистон Республикаси	43	39	0	39	4	0	4	4	0
Навоий вилояти	78	65	1	64	12	5	7	8	4
Наманган вилояти	84	73	1	72	10	2	8	8	2
Самарканд вилояти	67	61	1	60	5	0	5	5	0
Сирдарё вилояти	75	68	0	68	6	1	5	5	1
Сурхондарё вилояти	67	51	0	51	15	3	12	14	1
Тошкент вилояти	80	75	0	75	5	0	5	5	0
Тошкент шаҳар	63	60	0	60	2	0	2	2	0
Фарғона вилояти	72	68	0	68	4	1	3	4	0
Хоразм вилояти	74	66	0	66	7	0	7	7	0
ЖАМИ	1 111	976	5	971	115	15	100	104	11

ТАДҚИҚОТНИНГ АСОСИЙ РАҚАМЛАРИ


Маъмурий ҳуқуқбузарлик ишларининг натижалари



Ҳуқуқбузар маъмурий жарима жазосига тортилган ишлар сони



Ҳуқуқбузар маъмурий қамоқ жазосига тортилган ишлар сони



Ҳуқуқбузар МЖТКнинг 21-моддаси тартибида огоҳлантирилган ишлар сони



Иш юритиш тугатилган (барча асослар)



«Жуда содда» ишлар «Содда» ишлар

3-диаграмма. Таҳлил қилинган маъмурий ҳуқуқбузарлик ишлари, натижалар кесимида

Умуман олганда таҳлил қилинган “жуда содда” ва “содда” тоифасига кирувчи оилавий (маиший) зўравонлик ҳуқуқбузарликлари бўйича, судлар томонидан маъмурий жарима жазоси белгиланади.

Жумладан, “жуда содда” тоифадаги ишлар бўйича чиқарилган 976 та суд қарорларидан 403 тасида (41,3%) маъмурий қамоқ жазоси белгиланган, 397 тасида (40,7%) маъмурий жарима жазоси белгиланган ва 168 тасида (17,2%) ҳуқуқбузар МЖТКнинг 21-моддаси тартибида огоҳлантирилган.

“Содда” тоифадаги ишлар бўйича чиқарилган 115 та суд қарорларидан 33 тасида (28,7%) ҳуқуқбузарларга маъмурий қамоқ жазоси белгиланган, 44 тасида (38,3%) ҳуқуқбузарларга маъмурий жарима жазоси белгиланган ва 33 тасида (28,7%) ҳуқуқбузар МЖТКнинг 21-моддаси тартибида огоҳлантирилган.

“Содда” тоифадаги ишлар бўйича жабрланувчилар томонидан содир қилинган ҳуқуқбузарликларнинг 2 тасида (1,7%) жабрланувчиларга маъмурий қамоқ жазоси белгиланган, 54 тасида (47,0%) жабрланувчиларга маъмурий жарима жазоси белгиланган ва 51 тасида (44,3%) жабрланувчилар МЖТКнинг 21-моддаси тартибида огоҳлантирилган.

“Жуда содда” тоифадаги ишларда судьялар ўртача ҳисобда 1 377 682 сўм маъмурий жарима ва 7,15 сутка маъмурий қамоқ жазоларини тайинлаганлар.



“Содда” тоифадаги ишларда судьялар ҳуқуқбузарларга ўртача ҳисобда 1 176 976 сўм маъмурий жарима ва 5,9 сутка маъмурий қамоқ жазоларини тайинлаганлар. Ҳудди шундай ишларда, жабрланувчиларга¹ эса судьялар

¹ Ўзбекистон республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг мазмунига кўра, жабрланувчиларга маъмурий жазо тайинланмайди. Суд қарорларининг хулоса қисмида фақат ҳуқуқбузарларга маъмурий жазо тайинланади. Юқорида қайд қилинганидек, “содда” тоифадаги маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларда оилавий келишмовчилик давомида иккала томон (эркак ҳам, аёл ҳам) ҳам ҳуқуқбузарлик содир этган бўлади. Ушбу ҳуқуқбузарликлар ягона маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш доирасида кўриб чиқилганлигини кўрсатиш учун “жабрланувчи” атамаси қўлланилган.

ўртача ҳисобда 700 207 сўм маъмурий жарима ва 1,6 сутка маъмурий қамоқ жазоларини тайинлаганлар.

Ўртача ҳисобда Қорақалпоғистон Республикаси (2 469 091 сўм), Сурхондарё вилояти (2 155 385 сўм) ва Тошкент шаҳар судлари (1 979 259 сўм) энг кўп миқдорда маъмурий жарима жазоси тайинлаганлар.

Хоразм вилояти (8,5 сутка), Андижон вилояти (8,1 сутка) ва Қорақалпоғистон Республикаси (7,6 сутка) судлари ўртача ҳисобда энг кўп миқдорда маъмурий қамоқ жазоси белгилаганлар.



«Жуда содда» ишлар «Содда» ишлар

4-диаграмма. Таҳлил қилинган маъмурий ҳуқуқбузарлик ишлари, судьяларнинг жинси кесимида

Судьяларнинг жинси кесимида

Таҳлил қилинган «жуда содда» ва «содда» тоифадаги ҳуқуқбузарликлар бўйича ишларнинг 1 057 таси (96,9%) эркак-судьялар ва 34 таси (3,1%) аёл-судьялар томонидан кўрилган.

«Жуда содда» тоифадаги ишларда аёл-судьялар ўртача ҳисобда 1 352 800 сўм маъмурий жарима ва 10 сутка маъмурий қамоқ жазоларини тайинлаганлар. Эркак-судьялар эса ўртача ҳисобда 1 360 575 сўм маъмурий жарима ва 7,1 сутка маъмурий қамоқ жазоларини тайинлаганлар.



«Содда» тоифадаги ишларда эса аёл-судьялар ҳуқуқбузарларга ўртача ҳисобда 1 020 000 сўм маъмурий жарима ва 5,7 сутка маъмурий қамоқ тайинлаганлар. Шу тоифадаги ишларда эса эркак-судьялар ҳуқуқбузарларга ўртача ҳисобда 3 051 389 сўм маъмурий жарима ва 6 сутка маъмурий қамоқ жазоларини тайинлаганлар.

3-жадвал. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиққан судьяларнинг жинси кесимида

Иш тоифаси	ЖАМИ	аёл судьялар кўриб чиққан ишлар сони	Шу ишларда, ...		эркак судьялар кўриб чиққан ишлар сони	Шу ишларда, ...	
			Ўртача тайинланган жарима жазоси	Ўртача тайинланган маъмурий қамоқ		Ўртача тайинланган жарима жазоси	Ўртача тайинланган маъмурий қамоқ
«Жуда содда» ишлар	976	28	1 352 800,0	10,0	948	1 360 575,9	7,1
«Содда ишлар»	115	6	1 020 000,0	5,7	109	3 051 389,0	6,0

Хуқуқбузарларнинг ёши

5-диаграмма. Таҳлил қилинган маъмурий ҳуқуқбузарлик ишлари, ҳуқуқбузарларнинг ёши кесимида




6-диаграмма. Таҳлил қилинган маъмурий ҳуқуқбузарлик ишлари, ҳуқуқбузарларнинг вояга етмаган фарзандлари сони кесимида

Таҳлил қилинган “жуда содда” тоифасидаги ҳуқуқбузарликлар бўйича маъмурий ишларда энг ёш ҳуқуқбузарлар 19 ёшда (2 та иш), энг кекса ҳуқуқбузар эса 69 ёшда ҳуқуқбузарликларни содир қилганлиги аниқланди.

Таҳлил қилинган “жуда содда” тоифасидаги ҳуқуқбузарликлар бўйича ишларнинг 580 таси (59,4%) 31-45 ёшлардаги, 223 таси (22,8%) 18-30 ёшлардаги ва 173 таси (17,7%) 46 ва ундан катта ёшдаги ҳуқуқбузарлар томонидан содир этилганлиги аниқланди. Умуман олганда, “жуда содда” оилавий (маиший) зўравонлик ҳуқуқбузарликларининг 743 таси (70 фоизга яқин) 26-45 ёшлардаги ҳуқуқбузарлар томонидан содир этилган.

“Жуда содда” тоифасидаги ҳуқуқбузарликлар бўйича маъмурий ишларда ҳуқуқбузар ва жабрланувчиларнинг жами 1371 нафар вояга етмаган фарзандлари борлиги аниқланди. Ушбу вояга етмаган шахслар ишда жабрланувчилар сифатида жалб қилинмаган.

Ҳуқуқбузарларнинг маълумоти




- Ҳуқуқбузар маълумоти - "ўрта"
- Ҳуқуқбузар маълумоти - "ўрта-маҳсус"
- Ҳуқуқбузар маълумоти - "олий"
- Ҳуқуқбузар маълумоти - «тугалланмаган олий»
- Ҳуқуқбузар маълумоти - кўрсатилмаган

7-диаграмма. Таҳлил қилинган маъмурий ҳуқуқбузарлик ишлари, ҳуқуқбузарларнинг маълумоти кесимида

Таҳлил қилинган "жуда содда" тоифасидаги ҳуқуқбузарликлар бўйича маъмурий ишларнинг 626 тасида (64,1%) ҳуқуқбузарларнинг маълумоти ўрта, 227 тасида (23,3%) ўрта-маҳсус, 65 тасида (6,7%) олий, 8 тасида (0,8%) тугалланмаган олий ва яна 50 та ишда ҳуқуқбузарларнинг маълумоти кўрсатилмаган.

Шунинг билан бирга 576 та (59%) ишда ҳуқуқбузарлар ишсиз эканлиги кўрсатилган ва 96 та (9,8%) ишда ҳуқуқбузарларнинг иш жойи кўрсатилмаган.





8-диаграмма. Тайинланган маъмурий жазолар, ҳуқуқбузарларнинг маълумоти кесимида

- Ҳуқуқбузар маъмурий жарима жазосига тортилган ишлар фоизи (%)
- Ҳуқуқбузар маъмурий қамоқ жазосига тортилган ишлар фоизи (%)
- Ҳуқуқбузар МЖТКнинг 21-моддаси тартибда огоҳлантирилган ишлар фоизи (%)

Судлар жарима жазосини энг кўп олий маълумотли ҳуқуқбузарларга (52,3 фоиз ишларда) тайинлаганлар, маъмурий қамоқ жазосини эса (62,5 фоиз ишларда) тугалланмаган олий маълумотга эга ҳуқуқбузарларга тайинлаганлар.

Ҳуқуқбузарларнинг олдинги жавобгарликлари



Амалдаги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 32-моддаси биринчи қисмининг 2-бандига асосан “маъмурий жазо чорасига тортилган шахснинг бир йил мобайнида яна ўша хилдаги ҳуқуқбузарликни содир этиши, худди шунингдек ҳуқуқбузарликнинг илгари судланган шахс томонидан содир этилиши” маъмурий жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар жумласига киритилган.

Таҳлил қилинган “жуда содда” тоифасидаги ҳуқуқбузарликлар бўйича маъмурий ишларнинг 939 тасида (96,2 %) ҳуқуқбузарнинг илгари судланганлиги ёки судланмаганлиги ва 53 тасида (5,4 %) ҳуқуқбузарнинг муқаддам маъмурий жавобгарликка тортилган ёки тортилмаганлиги кўрсатилмаган.

Енгиллаштирувчи ҳолатлар


Таҳлил қилинган “жуда содда” тоифасидаги ҳуқуқбузарликлар бўйича маъмурий ишларда 29 турдаги ҳолатларни, “содда” тоифасидаги ҳуқуқбузарликлар бўйича маъмурий ишларда эса 20 турдаги ҳолатларни енгиллаштирувчи ҳолатлар деб кўрсатилган. Иккала тоифадаги ишларда ҳам энг кўп ва энг кам енгиллаштирувчи деб топилган ҳолатлар қуйидаги жадвалда.

4-жадвал. Маъмурий жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатлар

Суд қарорларида кўрсатилган маъмурий жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатлар	“Жуда содда” тоифасидаги ишларда мазкур енгиллаштирувчи ҳолат келтирилган ишлар сони		“Содда” тоифасидаги ишларда мазкур енгиллаштирувчи ҳолат келтирилган ишлар сони	
	ЖАМИ	Фоизда	ЖАМИ	Фоизда
Ҳуқуқбузарнинг айбига иқдорлиги	382	39,1	38	33,0
Ҳуқуқбузарнинг қилмишига пушаймонлиги	361	37,0	39	33,9
Ҳуқуқбузарнинг шахси	199	20,4	24	20,9
Ҳуқуқбузарнинг оилавий шароити	253	25,9	36	31,3
Ҳуқуқбузарнинг аёллиги	2	0,2	24	20,9
...				
Ҳуқуқбузарнинг ногиронлиги	2	0,2	0	0,0
Ҳуқуқбузар ҳуқуқбузарлик оқибатини бартараф этгани	2	0,2	0	0,0

Суд қарорларида кўрсатилган маъмурий жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатлар	“Жуда содда” тоифасидаги ишларда мазкур енгиллаштирувчи ҳолат келтирилган ишлар сони		“Содда” тоифасидаги ишларда мазкур енгиллаштирувчи ҳолат келтирилган ишлар сони	
	ЖАМИ	Фоизда	ЖАМИ	Фоизда
Ҳуқуқбузар томонидан содир қилинган ҳуқуқбузарликнинг кам аҳамиятли эканлиги	2	0,2	1	0,9
Ҳуқуқбузар ҳуқуқбузарликни жабрланувчининг номуносиб хатти-ҳаракатлари оқибатида содир қилгани	1	0,1	0	0,0
Ҳуқуқбузарнинг уйланмаганлиги*	1	0,1	0	0,0

* бу ерда суд томонидан орфографик ҳатога йўл қўйилган бўлиши мумкин



Мурса йўлини танлаган ҳуқуқбузар ва жабрланувчилар

Амалдаги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 31-моддасида “ҳуқуқбузар ва жабрланувчининг ярашганлиги” маъмурий жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатлар жумласига бевосита киритилмаган бўлса ҳам таҳлил қилинган “жуда содда” тоифасидаги ҳуқуқбузарликлар бўйича 74 та (7,5%) маъмурий ишларда ва “содда” тоифасидаги ҳуқуқбузарликлар бўйича 10 та (8,6%) маъмурий ишларда судлар (суд қарорининг асослантирувчи қисмида) ушбу ҳолатни “енгиллаштирувчи ҳолат” деб кўрсатганлар. Лекин суд қарорларида ҳуқуқбузар ва жабрланувчилар томонидан ярашганликлари кўрсатилган ишлар сони ушбу кўрсаткичдан анча кўп. Масалан, “жуда содда” тоифасидаги ҳуқуқбузарликлар бўйича 380 та ишнинг (38,9%) баён қисмида жабрланувчилар “ҳуқуқбузарни кечириб, ярашганликларини” кўрсатганлар. “Содда” тоифасидаги ҳуқуқбузарликлар бўйича эса 50 та ишнинг (43,7%) баён қисмида жабрланувчилар “ҳуқуқбузарни кечириб, ярашганликларини” кўрсатганлар.

“Ҳуқуқбузар ва жабрланувчининг ярашганлиги” маъмурий жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолат деб топилган ёки топилмаганлигидан қатъий назар, таҳлил қилинган суд қарорларида судларимиз “ҳуқуқбузар ва жабрланувчи ярашган”

11-диаграмма. «Жуда содда» ишларда ҳуқуқбузар ва жавобгар ярашган ва ярашмаган ишлар, натижалар кесимида


ишларда, МЖТКнинг 21-моддаси тартибида ҳуқуқбузарни огоҳлантириш 39,7 фоизни, бошқа асосларга кўра иш юритишни тугатиш 0,8 фоизни ташкил этади. “Ҳуқуқбузар ва жабрланувчи ярашмаган” ишларда эса ушбу кўрсаткичлар 1,2 фоизни ва 14,6 фоизни ташкил этади.


Экспертиза хулосаси

Ўтказилган таҳлил МЖТКнинг 59-2 моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўришда, экспертиза хулосаси масаласида суд амалиётида бир-хиллик йўқлигини кўрсатди.


Жумладан, таҳлил қилинган “жуда содда” тоифасига кирувчи ва фақат 59-2-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар бўйича кўрилган 315 та маъмурий ишлардан 280 тасида (88,8 %) судга оид тиббиёт экспертизасининг хулосаси ҳақида маълумот кўрсатилмаган бўлса, фақат 59-2-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар бўйича кўрилган 406 та маъмурий ишларда эса бу кўрсаткич 141 тани (34,7 %) ташкил қилган.

12-диаграмма. Судга оид тиббиёт экспертизасининг хулосаси





Етказилган моддий ва маънавий зарарни фуқаролик суди тартибида ундириш ҳуқуқи тушунтирилган ишлар/суд қарорлари сони



Етказилган моддий ва маънавий зарарни фуқаролик суди тартибида ундириш ҳуқуқи тушунтирилмаган ишлар/суд қарорлари сони

 «Жуда содда» ишлар
  «Содда» ишлар

13-диаграмма. Етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш тартиби

Етказилган моддий ва маънавий зарарни фуқаролик суди тартибида ундириш ҳуқуқи тушунтирилган

Амалдаги МЖТК 309-моддасининг тўртинчи қисмида "...маъмурий жазони қўлланиш тўғрисидаги масалани ҳал қилиш пайтида айбдордан етказилган мулкый зарарни ундириб олиш масаласи ҳам ҳал этиладиган бўлса, иш юзасидан чиқарилган қарорда ундириб олиниши лозим бўлган шу зарарнинг миқдори, уни ундириб олиш муддати ва тартиби кўрсатилиши" белгиланган.

Таҳлил қилинган "жуда содда" тоифасидаги ҳуқуқбузарликлар бўйича 976 та маъмурий ишларнинг фақат биттасида (0,1 %) 350 000 (уч юз эллик минг) сўм миқдорида зарар ундириш белгиланган.

Шу тоифадаги ишларнинг 163 тасида (16,7%) етказилган моддий ва маънавий зарарлар юзасидан фуқаролик судларига мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтирилган.

Таҳлил қилинган "содда" тоифасидаги ҳуқуқбузарликлар бўйича 115 та маъмурий ишларнинг 3 тасида (2,6 %) жами 2 345 000 сўм миқдорида зарар ундириш белгиланган.

Шу тоифадаги ишларнинг 19 тасида (16,5%) етказилган моддий ва маънавий зарарлар юзасидан фуқаролик судларига мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтирилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг нормаларига ҳавола

2023 йилда қабул қилинган янги таҳрирдаги конституциянинг 15-моддаси 2-қисмида "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ... тўғридан-тўғри амал ..." қилиши белгиланган.

Таҳлил қилинган "жуда содда" тоифасидаги ҳуқуқбузарликлар бўйича 976 та маъмурий ишларнинг 224 тасида (23 %) ушбу янги нормага риоя қилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ҳавола келтирилган, шунингдек судлар асосан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20, 26 ва 60 моддаларига ҳаволалар келтирганлар.



14-диаграмма. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг тегишли моддаларига ҳавола тирилмаган суд қарорлари сони, вилоятлар кесимида

ҲУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Ушбу тадқиқот “Ўзбекистонда қонун устуворлигини мустаҳкамлаш ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш” лойиҳаси доирасида амалга оширилган тадқиқотларнинг ичида бешинчи тадқиқот ҳисобланади.

Ушбу тадқиқотларнинг асосий мақсади - хотин-қизларнинг одил судловдан фойдаланиши бўйича судларнинг статистик маълумотларнинг етарли эмаслиги ва бундай статистик маълумотлардан фойдаланиш усулларини кўрсатиб беришдан иборат.

Шунингдек, хотин-қизларнинг одил судловга эришиш имконияти тўғрисидаги 33-сонли СЕДАВ қўмитасининг умумий тавсияси нуқтаи назаридан **гендер кесимидаги статистик маълумотлар ва шакллар миқдорини тизимли равишда кўпайтириб боришни** мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Бундай тадқиқотларни ўтказишда нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш эса, уларнинг жамоатчилик мониторингини ўтказиш ҳамда мониторинг натижалари бўйича қонунчиликни такомиллаштириш бўйича аниқ ва асосланган таклифларни ишлаб чиқиш соҳаларидаги салоҳиятларини янада оширишга кўмаклашишга қаратилган.

Ушбу тадқиқот натижасида хулосаларимизни баён қиладиган бўлсак, биринчи навбатда, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 59-2-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни таснифлаш масаласи диққатимизни тортди. Жумладан, таҳлил қилинган “жуда сода” тоифасига киритилган 976 та ишдан 43 тасида (4,4 %) судлар ҳуқуқбузарликларни қайта таснифлаган. Ушбу рақамлар жойларда тергов, суриштирув органларида мазкур ҳуқуқбузарликларни таснифлашда айрим мураккабликлар мавжудлигидан далолат беради.

Бизнинг назаримизда, ҳуқуқбузарликларни таснифлашдаги мураккабликларни МЖТКнинг 59-2-моддаси диспозициясида келтирилган қуйидаги иккита ҳолат келтириб чиқармоқда:

биринчиси, “ушбу шахслар соғлиғининг ёмонлашувига олиб келган тарзда” жумласи фақат “уларнинг шаъни ва қадр-қимматини таҳқирлаш”га тааллуқлими ёки диспозицияда назарда тутилган барча ҳолатларгами;

иккинчиси, “башарти ... ушбу Кодексда назарда тутилган бошқа ҳуқуқбузарликлар аломатлари мавжуд бўлмаса” ҳолати.

Бундан келиб чиққан ҳолда **оилавий (маиший) зўравонлик ҳуқуқбузарлигини таснифлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан алоҳида тушунтириш қабул қилиш мақсадга мувофиқ** деб ҳисоблаймиз.

Ушбу моддада назарда тутилган ҳуқуқбузарликнинг таснифланишига таъсир қиладган яна бир эътиборли жиҳати, бу экспертиза хулосаси билан боғлиқ масала. Хусусан, ушбу тадқиқотлар, МЖТКнинг 59-2 моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар бўйича ишларда судга оид тиббиёт экспертизасининг хулосаси бўлиши ҳақидаги суд амалиётининг бир-хил эмаслигини кўрсатади.

Тадқиқот давомида таҳлил қилинган ишлар ичида МЖТК 59-2-моддасининг фақат биринчи қисмида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик бўйича ишларининг сони 315 тани ва фақат иккинчи қисмида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик бўйича ишларининг сони 406 тани

ташкил этиши аниқланган. Шунингдек, МЖТК 59-2-моддасининг фақат биринчи қисмида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик бўйича ишларнинг 280 тасида (88,8 %), иккинчи қисми бўйича ишларнинг 141 тасида (34,7 %) судга оид тиббиёт экспертизасининг хулосаси ҳақида суд қарорида кўрсатилмаган.

МЖТК 59-2-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик (психологик зўравонлик) ва иккинчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик (жисмоний зўравонлик) бўйича ишларда судга оид тиббиёт экспертизаси хулосалари келтирилиши ўртасидаги тафовут жуда катта. Бизнинг фикримизча, бунинг сабабларидан бири, бу психологик зўравонлик бўйича судга оид тиббиёт экспертизасини ўтказиш механизмларининг/протоколларининг етарли даражада ривожланмаганлиги.

Чунки, фикримизнинг исботи сифатида, 2023 йил натижаларига кўра энг кўп тайинланган экспертиза турларида суд-психологик экспертизаси кўрсатилмаганлигини келтириш мумкин². Умуман олганда эса **судга оид тиббиёт экспертизасини ўтказиш механизмларининг/протоколларининг янада кенг ривожланиши учун “Қийноқларга ҳамда муомала ва жазолашнинг бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи турларини самарали тергов қилиш бўйича Истамбул протоколи”³ ва унда назарда тутилган тавсияларни янада чуқурроқ жорий қилиш тавсия қилинади.**

Мазкур тадқиқот натижасида, таҳлил қилинган 1 111 та суд қарорининг атиги 8 тасида (0,7 %) адвокат иштирок этган. Қолаверса, 2023 йил бўйича судлар⁴ ва Ўзбекистон адвокатлар палатасининг⁵ статистик кўрсаткичлари таҳлил қилинганда, 2023 йилда жами 600 966 та маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларнинг бор-йўғи 8 136 тасида (1,35 %) адвокатлар иштирок этган.

Бизнинг назаримизда, бундай қуйи даражадаги кўрсаткичларнинг асосий сабаби, авваломбор айрим ҳудудларда адвокатлар сонининг етарли

² <https://t.me/adliyangiliklari/11867> ва <https://t.me/adliyangiliklari/12815> ҳамда https://sudex.uz/?robo_gallery_table=5995-2

³ <https://web.dev.ohchr.un-icc.cloud/ru/publications/policy-and-methodological-publications/istanbul-protocol-manual-effective>

⁴ <https://stat.sud.uz/file/2024/31.01/%D1%81%D0%B0%D0%B9%D1%82%20%D0%B6%D0%B8%D0%BD%D0%B%D1%8F%D1%82%202023%20%D0%B9%D0%B8%D0%BB%D0%BB%D0%B8%D0%BA.pdf>

⁵ <https://paruz.uz/uploads/2024/01/statistika-2024.pdf>

эмаслиги ва аҳолининг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларга муносабати ҳисобланади.

Негаки, аҳолининг ақсарият қисми маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларнинг кўриб чиқилиши ва тегишли қарор чиқарилиши натижасижа судланганлик ҳолати вужудга келмайди деган важ билан бундай ишларни жиддий қабул қилмайди, ақсарият ҳолларда малакали ҳуқуқшунослар хизматидан, бепул юридик ёрдам имкониятларидан фойдаланмайди.

Ҳолбуки, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 57 та моддасидаги 69 та жиноят таркиби бўйича маъмурий преюдиция назарда тутилган. Преюдиция лотинча “praejudicialis” сўздан олинган бўлиб, аввалги суд қарорига тегишли деган маънони билдиради. Яъни, ушбу моддалардаги 69 та жиноят таркиби назарда тутилган қилмишлар жиноят сифатида малакаланиши учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлиши талаб этилади⁶. Оилавий (маиший) зўравонлик тўғрисидаги ҳуқуқбузарлик эса айнан шундай ишлар тоифасига киради.

Шундай экан, таҳлилимиз давомида аниқланган ушбу кўрсаткич бўйича **судларда вакиллик килиш ваколатига эга бўлган шахслар турларининг сонини кўпайтириш, нодавлат нотижорат ташкилотларига ҳам бундай ваколат бериш, қолаверса, аҳолининг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларга муносабатини ўзгартириш ҳамда уларнинг маъмурий жавобгарликка тортилишнинг салбий оқибатлари ҳақидаги ҳуқуқий саводхонлиги даражасини янада оширишга каратилган кенг қамровли ва аниқ манзилли чора-тадбирларни ишлаб чиқишни таклиф этамиз.**

Таҳлил қилинган “жуда содда” тоифадаги ҳуқуқбузарликлар бўйича ишларнинг 552 тасида (56,5%), “содда” тоифадаги ҳуқуқбузарликлар бўйича ишларнинг 69 тасида (60%) ҳуқуқбузарлар илк маротаба маъмурий ҳуқуқбузарлик содир қилганликлари кўрсатилган. Судлар “жуда содда” тоифадаги ишлар бўйича 82 фоиз, “содда” тоифадаги ишларда эса 67 фоиз маъмурий

⁶ <https://proacademy.uz/postfiles/books/sh/gu/index.html>

жарима ёки маъмурий қамоқ жазосини тайинлаганлар.

Ўз навбатида, бундай турдаги маъмурий жазолар ҳуқуқбузарларни жазолашга қаратилган бўлиб, уларнинг ҳулқ-атворини яхшилашга олиб келишини кафолатламайди. Ақсинча ҳар иккала ҳолатда ҳам, ҳуқуқбузар жабрланувчига нисбатан қўшимча адоват уйғотиши ва охир оқибатда зўравонликни янада кучайтириши мумкин. Шунга кўра, **оилавий (маиший) зўравонлик ҳуқуқбузарлигини содир қилишда айбдор деб топилган шахслар учун “зўравонлик ҳулқ-атворини ўзгартириш бўйича тузатиш дастури”га киритиш мазмунидаги мажбурлов чорасини жорий қилиш** мақсадга мувофиқ.

Таҳлил қилинган тоифадаги ҳуқуқбузар-ликлар бўйича судлар ҳуқуқбузарлардан деярли 490 млн. сўм маъмурий жарима ундириш белгилаган. Айти вақтда бундай тоифадаги ишларни кўришда, судлар томонидан жуда кам ҳолатларда (2,7 фоиз ишларда) суд қарорларида зарар ундиришни белгиланган ва тахминан 33 фоиз ишларда жабрланувчиларга етказилган моддий ва маънавий зарар юзасидан фуқаролик судларига мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтирилган. Бу ҳолат эса, жабрланувчилар ўзларига етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш учун қайтадан судга мурожаат қилишлари, суд жараёни ва суд қарорининг ижроси билан боғлиқ жараёнларни яна бошдан кечиришларига олиб келади.

Ушбу вазият, охир-оқибатда жабрланувчи-ларнинг суд тизимига бўлган ишончини, шу билан бирга, Ўзбекистоннинг Бутужаҳон ҳуқуқ устуворлиги индексида (Rule of Law Index), жумладан ушбу индекснинг “Фуқаролик судлови” факторининг “Фуқаролик судловининг эришимлилиги” кичик фактори бўйича рейтинги пасайишига олиб келиши мумкин. Жумладан, Бутужаҳон ҳуқуқ устуворлиги индексининг 2024 йил натижалари бўйича ҳисоботида, Ўзбекистон Республикаси “Фуқаролик судлови” фактори бўйича рейтинги (74-ўрин) 2023 йилга нисбатан ўзгармасдан қолган бўлса-да, ушбу фактор бўйича тўплаган баллари 2023 йилда 0,52 ни ташкил қилган

бўлса, 2024 йилда 0,51 ни ташкил қилган⁷, яъни камайиш кузатилмоқда.

Бундан келиб чиққан ҳолда **оилавий (маиший) зўравонлик ҳуқуқбузарлиги бўйича ишларни кўришда етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш механизмларини қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ** деб ҳисоблаймиз.

Тадқиқот давомида таҳлил қилинган ишлар бўйича, аксарият ҳолларда судлар томонидан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 31-моддасида белгиланган маъмурий жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатларга риоя қилинганлиги аниқланди.

Шу билан бирга, судлар томонидан “жуда содда” тоифасидаги ҳуқуқбузарликлар бўйича 29 та турдаги, “содда” тоифасидаги ҳуқуқбузарликлар бўйича 20 та турдаги ҳолатларни енгиллаштирувчи ҳолатлар деб кўрсатилганлиги, МЖТКнинг 31-моддаси талабларини жуда кенг талқин қилиш деб баҳолаш мумкин. Бундай кенг талқин эма, ўз навбатида, оилавий (маиший) зўравонликни ҳуқуқбузарлик сифатида тан олинишдан кўзланган мақсадга олиб келмаслиги мумкин.

Тадқиқот натижалари ва юқорида қайд этилган ҳолатлардан келиб чиқиб, **оилавий (маиший) зўравонлик ҳуқуқбузарлиги бўйича жавобгарликни енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан алоҳида тушунтириш қабул қилинишини мақсадга мувофиқ** деб ҳисоблаймиз.

⁷ <https://worldjusticeproject.org/rule-of-law-index/country/2024/Uzbekistan/Civil%20Justice/>